

Қурувчилар кўни шарафига

ЯНГИ УЙ
ЧИРОҚЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов кўни кеча олиб бориётган қурилиш ишларини кўздан кечириб, пойтахтимизнинг Хадра майдонига йўлингиз тушгудай бўлса, бу ерда қатта ўзгаришлар рўй бераётганининг гувоҳи бўласиз. Бу ер айтиш кўнларда чинакамга қурилиш майдонига айланганлиги ҳадемай пойтахтимизда янада кўркам ва файзли бир гўша кўпчиликлга завқ бағишлайдиган дарақдир.

Майдонга алоҳида кўрк бағишловчи ва болажонларни ўз томошалари билан ҳашуд этувчи Тошкент Давлат цирки биносини замонавий тарзда таъмирлашга киришилди. Унинг ҳовлисида эса битта ўрнига 2 та гўзал фавворанинг қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилганлиги шахримиз аҳолиси ва меҳмонларга ўзгача завқ бағишламодда. Қурилиш қизгин давом этаётган савдо расталари эса ўзининг шарқона кўрениши билан кўзга ташланб қолди.

Айниқса, майдонга янаям гўзаллик бахш этиб, Ойла йилда кўллаб хонадон соҳиблари дилига олам олам қувонч улашадиган 7 қаватли турар-жой биносининг қад ростлаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. А, Б, В блокларидан ташкил топган бу уйлари-нинг бюртмачиси «12 трест» акционерлик жамияти бўлса, бош пудратчиси 50-қурилиш бошқармасидир.

32 хонадонга мўлжалланган А ҳамда Б блокларда пардозлаш ишлари қизгин олиб боришмоқда. «Тошмасуспардозқурилиш» трестининг 45-қурилиш бошқармаси пардозловчилари, «Ўсантехгазмонтаж» трестининг 2-монтаж бошқармаси сантехниклари, «Рикон» фирмаси электрчилари ҳамда «Ўзқурилишмеханизация» трестининг кўтарма кран машинистлари қурилиш ишларини тез ва соз низоҳисга етказиш учун имкониятлардан унмол фойдаланмоқдалар.

32 хонадонга мўлжалланган 2, 3, 4 хонали уйлари-нинг биринчи қаватида дўкон ҳамда минимаркетлар аҳолига хизмат кўрсатади. Уйлари-нинг ташқи кўрениши эса меъморчиликимизнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ҳар бир хонадонга ҳам ўзига хос руҳда пардоз берилмоқда.

— А ва Б блокларни Мустақиллигимизнинг 7 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни ният қилганмиз, — дейди ишбоши Файрат Шобилолов. — Шу мақсадда бу ерда 40 дан ортиқ турли соҳа эгалари ҳамжиҳатликда ишлашмоқда. Чунки қурилиш ишлари бири-бири билан жудаям боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ўз касбининг усталари кранчи Евгений Югай, бригадирлар Рустам Муллажонов, Қобул Юнусов, гишт терувчи Улмас Охунжоновлар кўрсатаётган аҳиллик ва ғайратни айтиб ўтиш лозим. Улуғ байрам арафасида уй эгаларига қалитларини топшириш бугунги асосий мақсадимиздир.

20 хонадонга мўлжалланган учинчи — В блок, уй қурилишида «Тошчелқурилиш» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари алоҳида ғайрат билан иш олиб боришмоқда. Бу уйнинг охириги қаватини тиклаш баробаридан, пардозлаш ишлари ҳам кетма-кет давом этмоқда.

— Б блокни уйнинг ўзига хос мураккаб томонлари мавжудки, — дейди линия устаси Файзулла Сайдуллаев, — уни пала-партиш амалга ошириб бўлмайди, яъни у биз қурувчилардан алоҳида маҳорат талаб этади. 20 хонадонга мўлжалланган уйнинг 4 таси беш хонали, 6 таси икки хонали, 4 таси 10 хонали, қолгани эса бир хонали қилиб лойihalangan. 10 хонали уйнинг ҳар бири 283 квадрат метрдан иборат. 5 хоналиси эса 141 квадрат метрни ташкил этади. Қурувчиларимиз пойтахтимизнинг кўллаб қурилишларида сидқидилдан ишлаб, етарли тажриба ортирганлиги бу уй қурилишида кўл келди. Айниқса, Геннадий Тен етакчилигидаги пайвандчилар, Юрий Андреев бошлиқ гишт терувчилар бригадаларининг аъзолари ҳамда кўтарма кран машинистси Рустам Хайдаровлар сифатга эътибор бериб, юксак самара билан ишлашмоқда.

Ҳаётда ўз меҳнатининг самарасини кўришдек бахт бўлмаса керак. Шундай кўркам турар жой биносини бунёд этган қурувчилар ҳам пойтахтимизга файз, аҳолига қувонч бахш этаётганидан ҳушудлик билан меҳнат қилиб, асло толмайдилар. Уларнинг забардаст қўллари ва юрак кўрлари билан қад ростлаган шинам уйларда яшаётган бахтли оилалар сони кўпаяверади. Мустақиллик байрамида эса кўллаб янги хонадонларда чироқлар ёрқинроқ порлайди.

Шарифа ИЛЁСОВА.

Солиқ нима учун тўланади?

ОИПА ИМТИЁЗЛАРИ

«Бизнинг уйимиз ер ҳовлиси билан бирга 4,5 сотихни ташкил қилади. Унда тўрт киши яшаймиз. Шу билан бир қаторда биз билан II гуруҳ ногирони — буваимиз ҳам турадилар. Бундай ҳолларда бизнинг оиллага қандай солиқ тўлаш имтиёзлари мавжуд?»

Н. МАХМУДОВА.

Бу саволни изоҳлаб бериш учун Давлат солиқ кўмитасининг табиий ресурслари солиққа тортиш бошқармасининг бошлиғи ўринбосари А. Латиповга мурожаат қилдик:

— 1997 йил 28 ноябрда қабул қилинган ерга солиқ тўлаш қондасига мувофиқ бир қатор кишилар ва улар ичиди II гуруҳ ногиронлари ер солиғидан озод қилинадилар. Бу имтиёз уй-жой кимнинг номида бўлишигидан қатъи назар, II гуруҳ ногирони яшаса, у бутун оила аъзоларига ҳам тегишли бўлади.

Мулк учун тўланадиган солиққа келсак, солиқ кодексига мувофиқ ундан озод қилинганлар қаторига пенсионерлар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда яна бир қатор шахслар кирилади. Аммо молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 1997 йил 14 декабрда қабул қилган ҳисобига тўлаш ҳақидаги кўрсатмасига қараганда, бу имтиёз фақат мулк эгаларига тегишли, яъни уй-жой кимнинг номида бўлса, имтиёз ҳам унга берилади.


(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги ишларимизнинг аввалида, оилалар фаровонлигини яхшилаш, уни ҳар жиҳатдан мустақамлаб ўз ҳимоясига олишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Буни эса ҳар бир юртимиз фарзанди чин кўнгилдан англаши керак. Ойла дастурида алоҳида қайд этилган яна бир масала бу — оналик ва болаликни муҳофаза қилишдир.


Туманда бу борада оилавий ва консултиватив-диагностика шифохоналари ташкил этилган бўлиб, уларда 43 та шифокор, 48 та ҳамширалар малакали хизмат кўрсатмоқда. Тиббиётнинг замонавий усулларига мос равишда 40 ўринли кундузги шифохона, яъни амбулатория-жароҳлик маркази фаолият кўрсатиб турибди. Шунингдек, марказ зарур бўлган дори-дармонлар, бир маротаба ишлатиладиган доринина ва бошқа керакли анжомлар билан таъминланган.

Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш мақсадида уларни профилактик кўрикдан ўтказиш ишлари олиб боришмоқда. Яна шунинг айтиши мумкинки, туманда 150 ўринли шифохона қурилиши тугаллини арафасида.

Дарҳақиқат, дастуриймиздан кенг ўрин олган аҳолини уй-жой билан таъминлаш борисида ҳам самарали ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, тумандаги уй-жойга муҳтож оилаларга тўрт юз олти мишга яқна тартибда уйлар ажратилди. Шулардан 130 нафар оила рўйхатдан



ЁРҚИН КЕПАЖАК УЧУН



ўтиб хонадонларда истиқомат қилишмоқда.

Шунингдек, «Сувсоз» даҳаси майдонида саксон иккита оиллага мўлжалланган кўп қаватли бино қурилиши бошлаб юборилди.

Айниқса туманимиз аҳоли-

сини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ишлари бу йилга келиб якунига етиб қолди. Қибрай сув ҳавзасидан ўн километр масофадан ичимлик суви қувурлар орқали олиб келинди. Маъжунтол маҳалласи ҳудудига эса

2,5 километрлик газ қувурлари ётқизиш ишлари режалаштирилди ва бу ишларимизга икки ярим миллион сўм ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Туманимиздаги ободонлаштириш ишлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, шу йилнинг биринчи чорагида Хусайн Бойқаро, «Сувсоз» даҳаси ва Абай маҳалласига 2000 донга терак, 400 донга мевали, 100 донга манзарали ҳамда 2600 донга гул қўчатлари ўтказилди. Уйлайманки, албатта бунда ободонлаштириш ишлари кўчаларимизни, бозорларимизни, савдо расталари ва турар жойларимизни кўркига-кўрк қўшибгина қолмай балки атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олади, ҳавони тозалайди. Шу билан бирга ҳашар йўли билан корхона ва ташкилотлар ҳудудларини тозалаш ҳамда тартибга келтириш, кўкаламзорлаштириш ишлари мунтазам олиб боришмоқда. Биргина Хусайн Бойқаро кўчасининг 3250 метр квадрат жойи таъмирланиб, 9000 метр сув шохбачалари тармоқлари тозаланди. Чунончи Чирчиқ дарёсига қурилган иккита тўғон нафақат туман климига балки бутун шаҳар обҳавосига ҳам таъсир этди. Чунки дарё атрофи чиқиндилардан тозаланди. Унинг оқими секинлашганлиги туфайли атрофига турли қўчатлар экиш имконияти туғилди. Хуллас, Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида ҳамда Ойла йилида халқимизнинг яшаш шароитини ҳар томонлама яхшилаш мақсадида бор куч ва имкониятларимизни ишга солиб меҳнат қилмоқдамиз.

ҲАМКОРЛИК

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ АСОСИДА



Чет эл сармояларини Ўзбекистонга кiritиш ва ўз навбатида сармоядорларга тегишли шарт-шароитлар яратиш юзасидан тенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари туманда режали равишда амалга оширилмоқда. Шу кунгача ўнлаб кўшма корхоналар тузилиб, самарали фаолият юритмоқда. Ана шундай корхоналардан бири «Яшар» Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонасидир. Ушбу кўшма корхона 1995 йили тадбиркор Юнус Сайфалов ташаббуси билан ташкил этилган эди.

Шампунь, соч кремлари, кўл ва юз лосьонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу кўшма корхонада кунига бир ярим тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган бундай маҳсулотлар ҳозирча фақатгина Ўзбекистон бозорларида сотилмоқда. Германиядаги «Хинкел» фирмаси мезони асосида фаолият юритаётган ушбу корхонада 23 та мутахассис ишлайди.

— Технология ва зарур жиҳозларни биз Туркиядан келтирдик, — дейди корхона раҳбари Юнус Сайфалов. — Ишни бошлаганимизда Низом жамғармамиз ўттиз минг долларни ташкил этарди. Эндиликда эса у олти юз минг долларга етди. Лойиҳа қуввати эса бир миллион 80 минг долларга тенг. Йилга 12 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз. Албатта, кейинчалик маҳсулотларни кўпайтириш ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам корхонанинг филиалларини очиш ниятидмиз. Ҳозирда Ўзбекистон томонидан барча шарт-шароитлар яратилган ва туман ҳокимлиги бу борада корхонага ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Саноат

«БЕК-НОН» МАҲСУЛОТЛАРИ

Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида туман марказида «Ўзноммаҳсулот» давлат акционерлик жамиятига қарашли «Бек-нон» кичик давлат ишлаб чиқариш корхонаси 1994 йилда иш бошлаган эди. Германиянинг машҳур «Винклер» печлари ва технологияси билан жиҳозланган корхонада ўн тоннадан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.


Айни вақтда корхонада 64 та ишчи хизмат қилиб, уларнинг ўртача иш ҳақи 7000—7500 сўмни ташкил этмоқда. Ишчиларнинг меҳнат қилиши ва ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилган. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда йилгирма уч хилда турли хил нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу маҳсулотлар корхонага қарашли дўконларда ҳамда туман ҳудудидagi бошқа савдо расталарида сотилмоқда.

Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи чорагида 384 тонна ишчи ташкил этган бўлса бу йилга келиб 904 тоннага етди.

Албатта корхонанинг бундай кўрсаткич билан бир маромда ишлаши кейинги фаолияти учун кенг имкониятлар яратди. Бу эса ўз навбатида нон ва нон маҳсулотларининг таннархини камайишига ва ишлаб чиқаришнинг янада такомиллашишига олиб келади.

Нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашнинг ўзига хос ана шундай қийинчиликлари бор.


СУРАТЛАРДА: «Бек-нон» кичик давлат корхонасида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнидан лавҳалар.



Энг арзон ва рўзгорбоп маҳсулотлар фақат бизда сотилади.

СУРАТЛАРДА: «Ал-Ақида» хусусий савдо корхонаси дўконидан лавҳалар. Шу дўкон сотувчиси Салима Рихсиева иш устида.

Туманда ободонлаштириш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб боришмоқда.



Хотин-қизлар кўмиталарида

ЖАМИЯТИМИЗ БЎЛАГИ

Ўзбекистонда аҳоли таркибига хос хусусиятлар тарафдан аниқланган ҳолда мустақил миллий сиёсатнинг бош тамойилларидан бири, аҳолининг эҳтиёжидан қисмини, ҳушжумладан, кўп болали оилаларни ижтимоий хийма-юшга муҳим эътибор бериб келинмоқда. Аҳолининг эллик икки фоизини хотин-қизлар ташкил этган Ўзбекистонда уч ярим миллион оила мавжуд. Ҳар йили 234 минг янги оила ташкил топиб, етти юз ўн минг бола дунёга келмоқда. Айниқса, Ойла йилида бу кўрсаткич янада ўсаяча намоён бўлмоқда. Туман хотин-қизлар кўмитаси ҳам бу борада ўзига хос ишларни олиб бормоқда. Бу ҳақда туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Хайринисо Мирзажонова қуйидагиларни гапириб берди:

— Ойла — табиатнинг шох асарларидан бири бўлганили учун ҳам биз ҳамиша у билан адолатли ҳисоблашимиз зарур.

Бектемир тумани хотин-қизлар кўмитаси ҳам Ойла йили муносабати билан баҳариланди-ган иш режаларини тўғридан-ўзига, ҳуш саъй-ҳаракатларини бошлаб юборган. Жумладан, тумандаги 12 та маҳалларда 21 та корхона, ташкилот ва муассасаларда хотин-қизлар кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда. Туман маҳаллаларида «Соғлом эҳтиёт» қозғалғини тақомиллаштириш ишлари бўйи-

тарқатиб, бу саволлар асосида кўпгина ижобий жавоблар ҳам олди.

«Миллий либослар — аёлларимиз кўрки» мавзусида маҳаллаларимизда кўпгина учрашув ва йиғинлар ўтказдик. Бундан шакллана кўпгина одоби, ҳушқўб ўғиринида аёлларимиз, фарзандларимиз ўз фикрларини билдирди.

Дарвоқе, ёшлар орасида истеъдодли ўсмирларни аниқлаш, илмий, маданий, касбий тўғрақлар, кўрик-танловлар ўтказишга ҳам кўпгина эҳтиёт қилинмоқда. Кўмитамиз ташаббуси билан 293-мактабда «Мактаб мали-



Ширин сўзи дармондир, беминнат шифокорлар. СУРАТДА: тумандаги оилавий шифохона поликлиника тажрибахонаси лаборанти Вера Арн иш устида.

ча жадвал асосида учрашулар ўтказилиб турилибди. Республика, маънавият ва таърифат ҳамсўзчилиги марказлари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти ходимлари бу иш-



ларда ўзларининг маслаҳат ва ёрдамларини аямаяпти. Масалан, биргина апрель ойида шу ташкилот ходимлари билан биргаликда барча маҳаллаларда муҳим мавзуларда суҳбатлар ўтқизиладик. «Ойла ва дин масалаларига сизнинг фикрингиз қандай?» деган саволлар

каси» кўрик-танлови ўтказилди ва 298-мактабда «Муҳалла йўли» байрами ташкил этилди. Шунингдек, 26 та етим болаларга қий-ди-бош, «Сувчи» ва ТошАТЭК корхоналари уларга эсдалик сов-



Бежирим либослар ҳамиша гўзал аёлларимизнинг кўллари билан тикилади.

СУРАТЛАРДА: туман маиший хизмат уйи тикувчилари Санобар Қурбонбоева, Елена Ким ва Фотима Юсуповалар сифати ва замонавий либосларни ўз вақтида буюртмачиларга етказиб беради.

Шахнинг етуқлиги унинг дунёқараши, билими, маънавий бойлиги билангина ўлчанмай, балки унинг жисмоний тарбияси билан ҳам боғлиқдир. Бугун мустақил юртимизда спортнинг барча турларига катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида бир неча таълим олаётган ва мажмуалари қурилиши, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган теннис кортларининг ишга тушиши фанкизмизга мисол бўла олади.


Бу борада туманда қурилиш яқинлаётган ҳолда клуб ва теннис кортларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур спорт уйингоҳлари юртимиз Мустақиллигининг етти йиллиги

олдидан ишга тушади.

— Мана, тўрт ойдики, бешта ишчан майдончаларни ўз ичига олган туман теннис клубида қурилиш ишлари давом этмоқда. Унда сауна, душ, кийим алмаштириш



Бектемир туманига бағишланган материалларни Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади. Суратларни Рустам Шарипов тасвирга туширган.



СУРАТЛАР

ДА: мактаб қурилиши жа- раёни.

(Чапдан) қу- рувчилар Фа- ниль Шаро- футдинов, Ба- ҳодир Назар- матов ва иш- юритувчи Аб- дукарим Сади- ровлар.



Хизмат


ОЛИЙ ҲИММАТ ЭГАЛАРИ

Савдо ва маиший хизмат соҳасида халқимизга намуна-ли хизмат кўрсатиш бори-сида жойларда турли тadbирлар олиб боришмоқда. Хусусан, туманда бу борада талай иш-лар амалга оширилганлигини-ниг ғувоҳи бўлидик. Туман ахо-ли-сига савдо ва маиший хиз-мат кўрсатиш бўйича қилини-ши зарур бўлган ишлар юза-

бошқа маҳсулотлар келтирилди.

— Айтингчи, туманда аҳоли-га маиший хизмат кўрсатиш ва хизмат турларини кенгайтириш юзасидан қандай ишлар олиб боришмоқда?

— Бу соҳада асосий қилинади-ган ишларимиздан бири аҳолига намунали ва жаҳон талаблари да-ражасида хизмат кўрсатишдир. Бу йўлда бажарилаётган ишларимиз-дан бири шу соҳа ходимларига шaroитлар яратиб бериш ва етар-ли техник асбоб-ускуналар билан таъминлашдир. Биргина шу йил-нинг ўтган даврида олтига хизмат кўрсатиш шохобчалари очилди ва хизмат турлари ўн олтига етказилди. Шунингдек, миллий ҳунар-мандчилиқни ривожлантириш ва



сидан биз савдо, хизмат кўрсатиш соҳасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаментининг Бектемир тумани бошқармаси бошлиғи Шокиржон Музрабеков билан суҳбатлашдик.

— Шокиржон ака, бугунги кунда савдо тизимида истеъмоличиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясидан ҳам кўра масъулиятроқ вазифа бўл-маса керак?

— Албатта, истеъмоличилар ҳуқуқларининг ҳимоясига доир қонунчиликда кўрсатилган бандларнинг бажарилиши кўпроқ ходимларимизнинг ўз ишига эътибори ва масъулияти билан боғлиқли-гини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу ўша савдо растасининг санитария ҳо-латидан тортиб то хизмат кўра-тиш ходимининг муомала мада-нияти билан боғлиқ ишларидир. Бу борада биз туман ҳудудидаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат мол-лари дўконларида, бозорларда, савдо шохобчаларида муайян ишлар олиб бормоқдамиз. Бун-да туман солиқ бошқармаси, прокуратура ва бошқа масъул ташкилотларнинг хизматлари кат-тадир. Туманимиздаги 17 та дў-конда асосан 8 хил озиқ-овқат маҳсулотларининг савдоси яхши ташкил этилган бўлиб, ушбу мол-ларга ажратилган фондлар шу йилнинг 5 ой мобайнида 127,1 тонна ун, 110,2 тонна шакар, 62,9 тонна ўсимлик ёғи, 14,6 тонна макарон маҳсулотлари, 2,8 тон-на кир совун, 2,3 тонна чой, 10,1 тонна гуруч келтириб аҳолига мунтазам сотилди.

Ушбу ажратилган фондлардан ташқари марказлашган манбалар-дан умумий ҳисобда 13975 минг сўмлик турли хил қандолат ва

хунарамандларга шарт-шaroитлар яратиб мақсадида Тошкент Халқ йўлида жойлашган қишлоқ ҳў-жалик маҳсулотлари улгуржи бозори олдида устахоналар ажратиб берилди. Айни пайтда у ерда қу-рилиш ишлари якунига етмоқда. Ва яна устахоналар олдида ав-тотранспорт қатновининг хавф-сизлигини таъминлаш учун авто-машиналар тўхташ жойи ташкил этиляпти.

— Бозорларнинг фаолияти-ни тўғри ташкил этиш ҳамда хизмат кўрсатишни янада ях-шилашга доир ишлар нима-лардан иборат бўлмоқда?

— «Бектемир бозори» ҳисса-дорлик жамияти бозорлар фао-лиятини янада яхшилаш мақсади-да бир қанча тadbирлар режалаш-тирган. Хусусан, «Қўйлик» дехқон бозорида сотувчи дехқонларга по-лиз маҳсулотларини мўътадил сақлаш учун бостирмалар қури-лди. Шунингдек, бозорда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда тез бу-зилувчи молларни сақлаш учун 100-150 квадрат метрга яқин тур-ли совутигичлар қурилиши мўлжал-ланмоқда. Бозор ҳудудига тез қу-ларда ичимлик сувини келтириш, 2 та автомобиль тўхташ жойини ташкил этиш, улгуржи бозорда чет эл маҳсулотларининг савдо-сини ташкил этишдек ишларни ҳам режалаштирганмиз.

Хиссасдорлик жамияти томони-дан ҳозирги кунда ҳар бири 1000 сўмдан бўлган 37478 минг сўм-лик акциялар белгиланган тартиб-да жамият меҳнат жамоасига, 4613 та эркин савдодаги акция-лардан 833 та акция сотилди.

Бизнинг бугунги мақсадимиз халқимизга жаҳон талабларига жа-воб берадиган савдо хизматини кўрсатишдир. Бу йўлда барча им-кониятларимизни ишга соламиз.

Туман маданият бўлими қо-шида ҳозирги кунда иккита ма-даният уйи, олтига кутубхона ва болалар мусика мактаби фао-лият кўрсатиб келмоқда. Мада-ният уйлари ўзларининг кўркем биноларига эга. Шаҳар ва ту-ман микёсидаги ўтказилаётган барча тadbирларнинг юқори са-вияда ўтишида маданият уйлари ходимлари катта масъулият билан ишлаб келмоқдалар.

— 1998 йилнинг Ойла йили деб эъ-лон қилиниши маданият уйлари ходим-ларининг масъулиятларини янада оши-ришлари ўз устиларида ишлаб, янги дасталар ташкил этиши, турли хил қи-зикарли кечалар, дам олиш концерт-

Маданият

ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК

ларини уюштиришларига муҳим туртки бўлмоқда, — дейди туман маданият иш-лари бўлими бошлиғи Бувинисо Ис-моилова. — Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш мақсадида таниқли санаторлар ва ҳа-васкор дасталар концертлари ҳам таш-кил қилиниб келинмоқда. Яқинда ку-тубхоналар, мактаблар, маданият уйла-



ри ва ёш келинлар ўртасида «Энг иб-ратли келинча» кўрик-танлови ўтказил-ди. Танловда голиб деб марказлашган

кутубхоналар тизими услубчиси М. Аширбоева топилиди. Бўлимимиз томо-нидан ташкил қилинган «Қўшиқлар байрами» танлови ҳам ҳар қачонгидан қизиқарли ўтди. Бу танловда маҳалла-лар, халқ таълими тизими, маданият уйлари, мусика мактабидан иштирок-чилар қатнашди. «Истамбул», «Ойхон», «Садоқат», «Нихол», «Наргиз» ғуруҳла-ри қизиқарли театрлаштирилган кон-церт дастурларини аҳолига намойиш қилиб келмоқда.

Маданият уйлари ва кутубхоналар ходимлари ўзаро яқин ҳамкорликда иш олиб боришади. Бунга июнь ойида ўт-казилган «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланган кечани мисол қилиб олишимиз мумкин. Кечада қўшиқ, ракс билан биргаликда сахна кўринишлари, кутубхоначилар ва маданият ходимла-ри томонидан ижро этилди.

Туманда ўтказилган «Бахтли оила» танлови ҳам катта тайёргарлик билан маданият уйида бўлиб ўтди. Маҳалла-лардан қатнашган оилаларга бўлимим-из ўз методик ёрдамларини кўрсатиб танловни кўтаринки руҳда ўтказишга ҳа-ракат қилдилар.

Тумандаги кутубхоналар ходимлари томонидан ҳам ранг-баранг қизиқарили учрашулар, китоб кўргазмалари, тур-ли мавзуларда суҳбатлар, маҳаллалар-да, ҳарбий қисм, мактаб ва боғчалар-да ташкил этилиб турилибди.

«Ойла — ватан қаби муқаддас», «Ой-ла — никоҳдан бошланади», «18 га кир-маган ким бор?», «Ойла остонаси» деб номланган учрашув ва суҳбатлар шу-лар жумласидандир. Келажакда порлоқ юртимизнинг мустақиллик кунини ни-шонлаш борасида бўлимимиз қизгин тайёргарлик ишларини бошлаб юбор-ди. Байрамни ўзгача руҳда ўтказишда, албатта ҳаваскор дасталарнинг қизи-қарли дастурларини намойиш этиши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда ҳар бир даста ўзининг янги қўшиқ, ракс ва те-атрлаштирилган дастурлари устида иш олиб бормоқда.

СУРАТДА: туман маданият ишлари бўлими бошлиғи Бувинисо Исмаилова ходимларини навбатдаги иш режаси билан таништирмоқда.

ЧИҚИНДИ ҲАМ ҲИСОБДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти син-тетик ва табиий полимерлар бўйича етакчи ил-мий муассаса ҳисобланади. Институти илмий фао-лиятининг бош йўналиши полимер материаллар-нинг янги авлодларини синтез қилишнинг назе-рий асосларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш технологиясини ташкил қилишдан иборат.

— Институти сўнгги 5 йил давомида пахта линти асосида пахта целлюлозаси олиш технологияси уст-ида илмий иш олиб бормоқда, — дейди институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака-демиясининг муҳбир аъзоси Сайёра Рашидова. — Олинган целлюлоза асосан кимёвий қайта ишлаш учун мўлжалланган. Бу целлюлоза асосида юқори сифатли қоғоз, вискоза толаси, қолбаса учун қоғла-малар, кўзойнақ қоғламаси сингари маҳсулотлар олиш учун технологиялар ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда линтни тўғридан-тўғри гидролизлаш усули билан микрокристаллик целлюлоза олиш техноло-гияси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу целлюло-за ҳозирда Тошкент кимё-технология институти иш-лаб чиқариш базасида ишлаб чиқияпти. Ушбу маҳ-сулот асосан пайвандлаш электродлари қоғламаси сифатида, шунингдек, дори маҳсулотларини таблет-калашда боғловчи тарикасида ҳамда озиқ-овқат ва атир-ўпа саноатида ёрдамчи маҳсулот вазифасида ишлатилиши мумкин.

Тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги учун биологик фаол полимерлар яратиш билан шуғулланадиган бўлимда Абдушукор Саримсоқов ва Светлана Давидовская-лар томонидан олинган пахта целлюлозаси ва мик-рокристаллик целлюлозасида кенг ассортиментдаги тиббий биологик полимер маҳсулотлари олиш техно-логияси кашф этилди. Жумладан рентген орқали ташхис қўйишда қўлланиладиган «Рекон» дори во-ситаси юрак, қизилўнғач, бронхлар, ўпка, ошқозон ва йўғон ичакларни рентген ташхисида муваффа-қиятли қўлланилади.

Институти жамоаси турли чиқиндилардан ҳар хил пре-паратлар иштиро қилишга ҳам муваффақ бўляпти.

Хусусан, ошқозон-ичак тизимини заҳарли метабо-литлардан тозалашга мўлжалланган энтеросорбент препарат табиий полиамфолитини қайта ишлашдаги чиқиндидан олинган. У кислота ва баъзи тузларнинг эритмаларида эриydi. Табиий биологик тadbкирлар шуни кўрсатадики, энтеросорбентнинг қўллани-лиши инсон танасида холестеринни 30 фоизга, аммиакни 75 фоизга камайтиришга имкон беради.

Чиқиндилардан тайёрланиб, дори-дармон вазифа-сини ўтовчи моддалардан яна бири лимон пектини ҳисобланади. Бу препарат ҳам ошқозон хасталигини даволовчи воситадир. Препарат Людмила Семёнова томонидан кашф этилган бўлиб, уни тайёрлашда шарбати сиқиб олинган лимон чиқиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги кунда пахтачиликда кенг қўлланиладиган ўз-ўзидан биологик усулда йўқ бўлиб кетувчи пахта целлюлозаси асосида шаффоф парда олиш муам-молари устида иш олиб боришмоқда. Ушбу шаффоф парда намуналари айни кунларда Урта Чирчиқ тума-ни далаларида синовдан ўтказилмоқда. Шаффоф парданинг полиэтилен плёнкадан афзал тарафи шун-дан, полиэтилен плёнка чиримайди, ерда қолиб ерга зарар етказида. Шаффоф парданинг туپроқ остида-ги қисми эса олтиш-етмиш кун давомида тўлиқ йўқ бўлиб кетади. У ўғитга айланади. Пахта чиқиндилари, яъни линти хом ашё вазифасини ўтайди.

Бугунча қоғоз ёғоч целлюлозасидан олинardi. Эндиликда пахта целлюлозасидан ҳам юқори сифатли пулли қоғоз олиш мумкин эканлиги ўз исботини топ-ди. Пахта целлюлозасидан қоғоз ишлаб чиқаришни янада тараққий эттириш мақсадида Украина қоғоз саноати илмий тadbкир институти билан ҳамкор-ликда иш олиб бориляпти. Улар бизнинг технология асосида асбоб-анжомлар яратadi.

Барчага маълумки, ўсимликларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлиги уруннинг сифатига боғлиқ. Инсти-тутда оксидиксилнинг «полисанд» деб аталадиган по-лимер-дори шакли ишлаб чиқилган. Ушбу препарат уруғларни маҳсул савда эрувчан қоғлам билан қоғла-ш учун мўлжалланган, хусусан тўқсизлантирилган чигит учун. Бу ўсимликни яхши ўсиши ва ривожла-нишига имкон яратadi. Полимер нафақат савда эрув-чан, балки зарарсиз ҳамдир. У қишлоқ ҳўжалиги экин-ларидаги бир қатор замбуруғ касалликларини ка-майтиради.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Анжуманлар

ТАСВИРИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна-» ижодий уюшмасининг ташаббуси билан шаҳримизда «Тасвирий-маърифий тарғибот воситаларини ташкил этишнинг илмий-ама-лий муаммолари» мавзусида икки кунлик се-минар бўлиб ўтди.

Анжуманда республика «Тасвирий ойна» ижо-дий уюшмаси аъзолари, уюшманинг вилоят, ша-ҳар ва туман бўлимлари-нинг раислари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчилари Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрдилар. «Реклама фаолияти» мавзусига ба-ғишланган матбуот анжу-манида қатнашдилар. Бундан ташқари улар «Тасвирий ойна» ижо-дий уюшмасининг Тоше-нт шаҳар бўлими ва «Дийдор» фотогалереяси ташкил этган «Энг улуг, энг азиз» фотокўргазма-сини томоша қилдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносидagi се-минарнинг иккинчи кунги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси-нинг ўз олдида қўйилган вазифаларни жойларда

(Ўз мухбиримиз).

Спорт

ЯНГИ ТЕННИС МАЙДОНЧАЛАРИ

хоналари, ҳамда томошабинлар учун ҳам барча қулайликлар бў-лади. — дейди теннис клубининг ташкилотчиларидан бири, теннис бўйича спорт устаси Николай Шу-тов. — Бу юмушларни Маъмур Шокиров бошчилигидаги қурилиш бригадаси олиб бормоқда.

— Туманимиздаги ташкилот ва корхоналар, туман ҳокимлиги та-


шаббуси билан ушбу теннис клубини қурилиши бошланди. — сўзбatta қўшилди туман бош маъмури Омон Йўлдошев. — Уйлаймики, мазкур теннис кор-тига нафақат туманимиз аҳолиси, балки шаҳримиздаги барча тен-нис ихлосмандлари бемалол кели-либ ҳордиқ чиқариб кетишлари мумкин. Шунингдек, махсус тен-

нис мактабини очилиши ҳам ният қилиб қўйганимиз. Албат-та, аҳоли эҳтиёжига қараб кейинчалик теннис майдончаси-ни кенгайтиришимиз мумкин. Бунга жой етарли. Чунки тен-нис клуби учун ажратилган жой жуда қулай ва текис. Келажак-да туманимиздан таниқли тен-нисчилар етишиб чиқишига умидворимиз.

Шинам ва кўркем уйингоҳ-

лар спорт ишқибозлари ҳузу-рига мунтазир.

СУРАТЛАРДА: қурилиши ту-галланиш арафасидаги теннис майдончаси ҳамда футбол уйингоҳларининг умумий қури-лиши. Теннис кортини кураёт-ган «Ойол» қурилиш бригадаси моҳир ишчиси Рузвиган Жумабоев теннис майдонининг текислигига катта эътибор бер-моқда.



Бектемир туманига бағишланган материалларни Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади. Суратларни Рустам Шарипов тасвирга туширган.



Шахримизда «Маҳалла кун» байрами ва республикамиз Мустақиллигининг етти йиллиги тантаналари арафасида еттинчи бор спартакиада бўлиб ўтмоқда. Бу йил умумшаҳар финалида 600 га яқин киши иштирок этаётди. Уларнинг барчаси спортнинг саккиз тури: кураш, армреслинг, соғломлаштириш югуриши, шахмат, шашка, оғирлик кўтариш, аркон орқали чиқиш ва футбол бўйича биринчиликка даъвогарлик қилишмоқда.

Маҳалла спартакиадаси

ЁШ ТАНЛАМАГАН МУСОБАҚАЛАР

Ўтган шанба кун республика Олимпия шон-шухрати музейида энгил атлетикачиларнинг беллашувлари бўлиб ўтди. Югуриш мусобақалари эса уч гуруҳда, турли масофаларга югуриш билан бўлиб ўтди. Жумладан, 50 ёшлилар ўртасида 300 метр масофага югуришда Чилонзор тумани вакили Роза Бойко, худди шу масофага югуришда 40-49 ёшлилар орасида Мирзо Улуғбек тумани фуқароси Валентина Броскина, 25-29 ёшлилар ичида 500 метрга югуришда мирободлик Ирина Головизина голиб



бўлишди. Эркалар ўртасида 300 метр масофага югуришда 50 ёшлилар ўртасида мирободлик Тоҳир Рўзиев, ярим километрлик масофага югуришда Мирзо Улуғбек тумани фуқароси Анвар Авазметов, 25-39 ёшлилар ўртасида 1000 метрга югуришда яна Мирзо Улуғбек туманидан Аъзам Алиевлар финишга биринчи бўлиб етиб келдилар.

Айтиш керакки, мусобақа иштирокчилари орасида 70 ёшдан ошганлар ҳам бўлди. Жумладан, Зайнаб ая Мингалиева 80 ёшдан ошганига қарамай яхши натижалар кўрсатди.

— **Зайнаб ая, айтингчи, энгил атлетика билан неча йилдан буён шуғулланасиз?**

— Мен «Локомотив» спорт жамоаси-

да шуғулланишни бундан 50 йил аввал бошлаганман. Шунга қарамай, бу борада ўз кўрсаткичларим бор. Масалан, шу давр мобайнида мен 50 килограммга оздим. Бу эса 102 дан 47 га тушдим, деган гапдир. Эндиги мақсадим — 100 ёшни забт этиш.

— **Бу каби тадбирларга қандай қарайсиз?**

— Бундай мусобақалар ҳар бир инсон учун факат фойдалидир. Бундай беллашувда мен иккинчи бор иштирок этишим ва ўйламанки, кейингиларида ҳам қатнашаман. Гарчи иштирок этолмасам ҳам томоша қилиш учун келаман.

Дарҳақиқат, бундай тадбирлар шаҳарликлар учун бениҳоя зарур.

— Биз бу каби мусобақалар билан бошқаларга ўрнат бўла оламиз, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси С. Пўлатов. — Чунки республикамизнинг бошқа бирор вилоятида бундай беллашувлар ҳали ўтказилганича йўқ. Аввалига беллашувларда иштирокчиларнинг ёшларини эътиборга олмадик, шунда баъзи туманлар ҳатто мактаб ўқувчиларини ҳам мусобақаларга тортди. Шундан сўнггина биз иштирокчиларнинг ёшларига қараб мусобақаларга таъсирдор бўлдик. Ҳозир беллашувчиларнинг энг ёши 25 дан кам эмас. Ҳозирда одамлар бу тадбирларга шу қадар қизиқишмоқдаки, ҳатто беллашувларда маҳалла оқсоқоллари ҳам иштирок этиш истагини билдиришмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, мусобақаларга яқиндан ёрдам берган Тошкент транспорт муҳандислари институти ректорати ва Тошкент Агрегат заводи жамоасига миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Шунингдек, Олимпия шон-шухрати музейи жамоаси ва ҳакамлар хайъатига ҳам раҳматлар айтаман.

Худди шу кун «Пахтакор» стадионида яна бир спорт мусобақаси низоҳланди. Бу ерда «Шайхонтоҳурт» ва «Сергели» жамоалари мустақиллик қубоғи учун финал босқичида беллашдилар. Қизиги шундаки, асосий ва қўшимча вақт ҳеч нарсани ҳал қилмади. Ниҳоят пеналти беллашувида шайхонтоҳурликлар 3:1 ҳисобида голиб келишди. Бошқа худди шундай мусобақалар Транспорт институти ҳамда Агрегат заводи стадионларида бўлиб ўтди.

Мурод РАХИМОВ.

СУРАТЛАРДА: қизқарли ўтган беллашувлардан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

«ЭЛЬБРУС»ДАГИ ХУШНУД ДАМЛАР

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманининг Чимён этақларида «Алгоритм» акционерлик жамиятининг «Эльбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. У ажойиб анъаналари, маданий-тарбиявий ишлар, турли-туман спорт мусобақаларини изчил равишда амалга ошираётганлиги билан кўпчиликнинг эътиборини қозongan.

Оромгоҳ ҳозирда гавжум бўлиб, турли миллатга мансуб 850 нафар бола икки навбатда дам олмоқда. Жумладан, Оролбўйидан келган 150 нафар қорақалпоғистонлик болалар ўз соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. «Алгоритм» акциядорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси анча йиллардан бери хайрли ишни амалга ошириб, шахримиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳам оромгоҳга бепул йўлланмалар бермоқда. Бу ҳақда ушбу Меҳрибонлик уйининг тарбиячиси Роза Латипова шундай хикоя қилади:

— «Алгоритм» корхонаси қасаба уюшма кўмитаси раиси Йўлчибой Раҳимжоновга катта раҳмат. Ҳар йили 4 фаслдаги таътил кунларида оромгоҳда ҳордиқ чикариш учун хайри тарзида бепул йўлланма бериб, савобли ишларни бажармоқда. Болаларга меҳрибон, ғамхўр бўлган учун ҳам болалар Йўлчибой акани ҳурматлаб, унга меҳр кўзи билан қарайдилар. Бизнинг шарт-шароитларимиз, болаларга нисбатан муносабат жуда ҳам яхши. Болаларимиз турли тўғрақларга қатнашадилар, зерикши нималигини бил-

масдан, фойдали юмушлар билан машғулдилар. Жумладан, улар табиий нарсалардан буюмлар тайёрлаш бўйича «Табият» кўрик-танловида голиб чиқишди. Оромгоҳда тартиб-интизомнинг жуда яхши йўлга қўйилганлиги, озодаликка катта аҳамият берилишини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларидан 10 ёшли Баҳром Ҳайдаров ўз таассуротлари, орзу-умидлари ҳақида шундай дейди: — Вoleyболни севаман. Бу ерда ҳамма нараса яхши. Келажакда футболчи бўлишни хоҳлайман. Ўқишни яхши қўшаман ва баҳоларим ҳам яхши.

Йўлчибой ака ўзининг хайрли ишлари ҳақида оддийгина қилиб, «Савоб ишни ҳамма ва ҳар кун сидқидилдан қилишимиз керак. Яратгани ўзи доимо қўлайди» дейди.

Болаларнинг қалби табиатан анча нозик бўлиб, кишиларнинг муносабатини чуқур ҳис қилади. Улардаги бу фазилатни яхши англаган кишигина болаларнинг чексиз муҳаббатини қозонади. Халқимизда «Болаликда олинган билим, меҳр-муҳаббат тошга ўйилган битикдек мангу қолади» деган ҳикмат бор. Шубҳасиз, оромгоҳ бағ-

рида униб-ўсаётган 23-Меҳрибонлик уйида тарбияланётган болаларнинг масъум, беғубор қалбида одамларнинг меҳр-муҳаббати, эзгу ниятлари умрбод сақланиб қолади. Вoleyбол бўйича мусобақаларни томоша қилиб қайтаётган болаларни суҳбатга тортдим. — Мен Журъат Усмонов Сирғали туманидаги 300-лицейнинг 5-«Б» синф ўқувчиси. Ёшим 12 да. Оромгоҳнинг шарт-шароити, таомлари, яши, тўйимли, айниқса, қисели ширин. Аҳил бўлиб йўнаймиз. Тўғларга сафарга чиққанимизда табиатга меҳрим янада ортди. Қўшларни севаман. Бу ерда қорақалпоғистонлик болалар билан дўстлашдим. Мангитдан келган Ўринбой билан аҳилмиз. Келажакдаги орзуим тиш доктори бўлишдир.

— Мен ҳам Журъат билан 300-лицейда, бироқ 5-«И» синфда ўқийман, — дея ўзини таништирди Ўринбой Юсупов. — Футбол, вoleyбол каби спорт турлари билан шуғулланамиз, расм, тўқиш, ёғочга нақш солиш каби тўғрақларга қатъиймиз, кутубхонада китоб ўқишни севаман. Мен ўқийдиган лицей математика ва инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган бўлиб, оромгоҳда ҳам чет тилини ўрганишни давом эттириш учун шароит бўлган яхши бўларди. Келажакда республика миллий банкида ишлаб, Ўзбекистони мизининг тараққиётига ҳисса қўшмоқчиман.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Инсон танасининг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит ўзгаришларига мослаша олишидир. Бунда организмни чиниктириш асосий омил саналади. У ҳаво, сув ва қўёш воситасида амалга оширилади.

Қўёш нурида чиниктириш таъсирини мустаҳкамлаш ва турли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини ўсти-

фойдаланиш ҳам соғлиққа ёмон таъсир қилади. Бунда қўйиб қолиш, бош оғриши, қалтираш, лоҳаслик, ҳолдан

қўёш ваннаси қабул қилмаган маъқул. Муолажа ўтказилмаган майдонча тоза, текис, қуруқ, қучли шамоллардан холи бўлиши шарт.

Бизнинг иқлим шароитида қўёш ваннасини эрталаб соат 9 дан то 11 гача қабул қилиш қўлай ва фойдалидир. Куннинг биринчи ярмида қўёш нури спектрда инсоннинг чиниктириш учун зарур бўлган ультрабинафша нурлар кўп бўлади. Куннинг иккинчи ярмида эса қиздирувчи ультракизил нурлар кўпаяди. Қўёш ваннаси қабул қилиш жараёнида энгил машқлар, спорт ўйинлари билан шуғулланган маъқул, танани ҳўл сочиқ билан артиш, душ қабул қилиш ёки чўмилишнинг унутмаслик зарур. Афсуски, кўпчилик кишилар бунинг тексаришини қилишади. Бундай муолажалардан сўнг соя-салқин ерда 5-10 дақиқа дам олиш керак. Бадани қорайтириш учун турли кремлардан фойдаланиш кочи зарардир. Қўёш ваннасинан кейин иштаҳа яхши бўлиб, лоҳаслик сезилмас, демек, тўғри фойдаланилган ҳисобланади.

Абдуваҳоб ТОХИРИЙ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг соғлом турмуш тарзи кафедраси катта ўқитувчиси.

ҚУЁШ ВАННАСИ НИМА?

ришда муҳим аҳамиятга эга. Бу нур кишининг кайфиятини, уйқусини яхшилайди. Унинг таркибидagi ҳаётбахш ультрабинафша нурлар одам танасидаги фол бўлмаган провитами D нинг «D» дармондорисига айланишига ёрдам беради.

Бола танасида «D» дармондориси етишмас, у рахит билан хасталанади. Бу касалликда бола овқат маҳсулотлари таркибидagi суяклари мустаҳкамловчи фосфор ва кальций тузларини яхши ўзлаштирмайди. Масалан, нормал суяк таркибидa 63,3 фоиз кальций тузи сақланса, рахит касаллигида унинг миқдори атиги 18,2 фоизни ташкил қилади. Қўёш нуридан нотўғри ва ҳаддан ташқари кўп

тойишлар содир бўлиши мумкин. Очиқ жойда узок вақт бошланг юрилса, кишини офтоб уриши эътимол.

Хўш, қўёшдан қандай фойдаланиш керак? Чиниктиришдан олдин шифокор кўригидан ўтиб, зарур маслаҳатлар олиш керак. Чунки териси кам пигменти, камқонли, заиф кишилар қўёш нуридан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари лозим. Сил ёки безгаги бор кишилар қўёш нуридан фойдаланмаганлари маъқул. Қўёш ваннаси қабул қилиш муддати 5 дақиқадан бошлаб ҳар кун 1-2 дақиқадан ошира бориб бир соатгача етказиш мумкин. Ҳаво ҳарорати 35 даражадан юқори бўлиб, қучли шамол эсиб турган вақтда

ЁМОН БАЛО

Қадим замонда Қурия мамлакатда бир табиб бўлган экан. У ўз ишига жуда моҳир бўлиб, лекин жуда очкўз экан. Кунлардан бир кун бир аёл бетоб боласини табибининг қошига олиб келиб, уни даволашини сўрабди. Табиб тезлик билан ишга тушиб, доривор гиёҳлардан ажойиб дори тайёрлабди. Тайёрлаган дорисини болага ичирибди. Қолган дорини эса онасига бериб, қунига икки маҳалдан ичириб туришини тайинлабди. Боланинг онаси табибга миннатдорчилик билдириб, қўлидаги нафис ипакли халтачани узатибди ва совға сифатида қабул қилиб олишини сўрабди.

Табибнинг эса жаҳли чиқиб: — Мен ишимга факат нақд пул оламан, бирон совға билан мени хурсанд қила олмайсиз. Ишимга факат пул беришингиз керак, деб дўқ ургандай гапирибди.

Аёл эса қаттиб ранжибди. Табибнинг пул бандаси эканини тушуниб етибди. Табибдан муолажа ҳақи қанча бўлишини сўрабди.

Табиб очкўзлик қилиб:

— Ўн цент! — дебди.

Шу пайт аёл халтачадан: йигирма центни олиб ундан ўн центни ажратибди. Табибга ўн центни бериб, қолганини ўзи тиккан халтачага солиб қўйибди. Табиб пулни олаётиб, қўзи халтачадаги бошқа пуллarga тушибди. Кўпроқ сўрамаганидан афсусланибди. Аёл кетгач, ипак халтачани олдинги рози бўлиб олмагани, шу ерда унга очкўзлиги панд бериб қўйганини тушуниб етибди. Чунки халтачани олганда ҳам халтачалик, ҳам йигирма центлик бўлар эди. Бир улуг донишманд айтган экан:

— **Бўлибман бу олам қорига ҳайрон,**

Кўплар нафс йўлида эмишлар қурбон.

Бахриддин ТУРҒУНОВ,

Тоҳир АҲМАДЖОНОВ.

Янги масаллар

ҒИҶЖАК ВА КАРНАЙ МУНОЗАРАСИ

Ғиҷжак деди карнайга майин:

«Хаффа бўлма, очик айтишим.

Хунук товуш, овозинг гўмбир

Даҳанинг ҳам хм... эўё тандир.

Филнинг хартумидек гарданинг

Қимса керак гат-гунинг санинг?

Сени чалган дунжи тараўдек,

Пуфлагувчи оғзи ҳовуздек,

Сендан чиқмас севи оҳанг

Сени тинглар ҳузур-ла ханси

Сени қўймоқ лозим музейга».

Карнай деди: «Навбат бер менга,

Сен кўп керилмагин қилтириқ.

Тийдмайсан токи мен тирик

Чивин каби ғинғиш доимо.

Қайдан сенда шунча таманно

Тулпорлар тутмаси думини.

Ким тинглар силарнинг унни?

Ғалаба-зафарда мен даркор

Фақат сеним элга мадакор?»

Ҳой, икки саз, тортишманг бекор

Ҳар иккинчиз эл учун даркор.

БУРГУТ ВА БУЛБУЛ

Бургут севиб қолди булбулни.

Унга тутди совға деб гулни

Булбул босиб гулни қучоққа —

Ва бургутни тортиб гулбоққа.

Куй, гул тегди бургут жонига

Деди шайдои жонониға:

«Бу алафзор сенга чамандир,

Ростин айтмас, менга тикандир.

Қоларни қўмсайди билм,

Қўққи менинг хушрўй манзилим.

Ўйлабмангиз аввал ошени,

Мен тарк этгум ушбу зиндонни.

Яшолмассан сен ҳам қояда

Мен яшолман гул ва сойда!»

Тенг тенги-ла топшиган маъқул

Сих ҳам қуймас, қабоб ҳам бутқул!

Забихилло НУРУЛЛО.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Лотереялар ташкил қилиш

бошқармаси

«ТОШКЕНТ»

лаҳзали пуллик лотереясининг

биринчи чиқарувининг

яқунланиши тўғрисида эълон

қилади.

Ютуқли чипталар газетда эълон

қилинган кунидан бошлаб

4 ой мобайнида

Тошкент шаҳар Халқ банки

бўлимлари томонидан тегишли

ютуқларни тўлашга қабул

қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг реклама-ларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларини, шунингдек таъжирани, таваалуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтловларини, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларини ўз саҳифаларида ёртиради.

Эълонлар шанба нақшданбондан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-ЎЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

«Паркент бозори» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг 1.01.1998 йилги баланси

Моддалар номи	Салдо (минг сўм)	
	Актив	Пассив
Асосий воситаларнинг ҳолдик қиймати	118497,7	
Капитал қўйималар	25783,7	
Ишлаб чиқариш заҳиралари	1779,7	
Олиб сотиладиган товарлар	2538,1	
Пул маблағлари	2287,9	
Дебиторлар	5,1	
Ходимлар билан ҳисоблашишлар	28,7	
Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар	70	
Бошқа дебиторлар	2043,7	
Устав капитал		16026,4
Резерв капитал		755,4
Таксимиламанган фойда		9722,8
Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар		688,1
Мол етказиб берувчилар		945,2
Бюджет бўйича қаралар		3167,8
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қаралар		285,1
Уюшма корхоналарига қаралар		114373,7
Бошқа кредиторлар		7067,7
Баланс	153032,2	153032,2

Баланс «Ўзгўштсаноатаудит» хулосаси билан тасдиқланган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшанба
ва ҳуна
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи
209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.